

## **PRINCIPLES, PARAMETERS AND INDICATORS OF IMPROVING THE MODEL OF GENERAL CULTURAL COMPETENCE OF TEACHERS**

**Sobirov Bakhtiyor Boypulatovich**

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami  
Candidate of pedagogical sciences, associate professor

**Abstract:** The article argues that the teacher's intercultural competence serves the realization of the global goals of the educational process, and provides materials to improve the multicultural competencies that serve to increase the professional potential of the teacher. Also, the development of scientifically based criteria of the model of intercultural competence, taking into account the relevance of the principles, parameters and indicators of improving the model of intercultural competence of teachers, is theoretically and empirically covered.

**Basic concepts:** General cultural competence of teachers, modern pedagogical and psychological approaches, axiological and acmeological factors, professional development

## **ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ УМУММАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ, ПАРАМЕТР ВА ИНДИКАТОРЛАРИ**

**Собиров Баҳтиёр Бойпўлатович**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
Педагогика фанлари номзоди, доцент

**Аннотация:** Мақолада ўқитувчининг умуммаданий компетенцияси таълим жараёнининг глобал мақсадларини амалга оширишга хизмат қилиши ҳакида фикр юритилиб, ўқитувчининг касбий салоҳиятининг ошишига хизмат қилувчи умуммаданий компетенцияларни такомиллаштирувчи материаллар келтирилган. Шунингдек, педагог кадрларнинг умуммаданий компетенция моделини такомиллаштириш принциплари, параметр ва индикаторларини аниқлашнинг долзарбилигини эътиборга олган ҳолда умуммаданий компетенция моделининг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқиш назарий-эмперик жиҳатдан ёритиб берилган.

**Аннотация:** В статье рассматривается, что межкультурная компетентность учителя служит достижению глобальных целей образовательного процесса, и приводятся материалы по совершенствованию межкультурных компетенций, которые служат повышению профессионального потенциала учителя. Также теоретически и эмпирически освещена разработка научно обоснованных критериев модели межкультурной компетентности с учетом актуальности принципов, параметров и показателей совершенствования модели межкультурной компетентности учителей.

**Таянч тушунчалар:** Ўқитувчиларнинг умуммаданий компетенцияси, замонавий педагогик-психологик ёндашувлар, Аксиологик ва акмеологик омиллар, малака ошириш

**Основные понятия:** общекультурная компетентность учителей, современные педагогические и психологические подходы, аксиологические и акмеологические факторы, профессиональное развитие.

Педагог кадрларнинг умуммаданий компетенция моделини таомиллаштириш принциплари, параметр ва индикаторларини ишлаб чиқиш учун тадқиқот доирасида амалий ҳолат тадқиқ қилинди. Бунинг учун Самарқанд, Навоий, Бухоро, Жиззах, Сирдарё ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларидаги тингловчиларнинг педагогик фаолияти ўрганилди.

Мазкур тизимда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини ташкил этиш бўйича олиб борилган амалий ҳолат ва педагогик фаолиятни ўрганиш учун ишчи ўқув режалар, методик қўлланмалар ва улар мазмуни, ўқитувчининг шахсий методик тажрибаси, инновацион методологияга бўлганд муносабати ва уни қўллай олиш малакалари, ўқитувчи маҳорати ва ўқитувчининг илмий-тадқиқот фаолияти, ҳалқ таълими тизимида олиб бориладиган маънавий ва маърифий тарбия фаолиятида умуммаданий компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларнинг мавжудлиги, Ёшлар Иттифоқи, Касаба уюшмаси, Хотин-қизлар қўмитаси (2017) нинг таълим муассаси бўлимининг инновацион ғояларни ривожлантиришдаги ўрни, ўқув муассасасининг мураббийлар фаолиятида инновацион ғояларнинг ўрин эгаллаши, шунингдек таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликдаги муносабатларининг мавжудлиги масалалари кўриб чиқилди ва тадқиқ қилинди.

Европада ўқитувчилар малакасини олий таълим муассасаларида ошириш кенг тарқалганини кўриш мумкин. Масалан, Францияда малака оширишнинг асосий муассасалари – университетлар, институтлар, академия ва ўқув марказлари. Германияда педагоглар малакасини ошириш кўпроқ академия ва малака ошириш институтларида ташкил этилади. Европа мамлакатларининг аксариятида ўқитувчиларнинг малакасини оширишда тегишли марказлар ва педагоглар касбий уюшмалари(бирлашмалар, жамоалар, ассоциациялар ва бошқалар)нинг роли катта.

Ушбу жараённи ташкил этишда турли педагогик қўллаб-қувватлаш марказлари, корпорациялар, фирмалар, ҳалқаро ташкилотлар, хусусий муассасаларнинг иштироки ҳам салмоқлидир. Масалан, Германияда педагогларнинг касбий ривожланишини ташкил этиш билан черков, банклар, нашриётлар ҳам шуғулланади. Бу эса мазкур мамлакатда малака ошириш тизимининг жамоат-давлат тавсифига эга эканлигини кўрсатади [123;128;129].

Ривожланган давлатларда педагогларнинг касбий ривожланишига ҳалқаро ташкилотлар ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Масалан, World Affairs Council (АҚШ) ташкилотининг асосий иш йўналиши ўқитувчилар билан ишлаш хисобланади. Бу борада Кенгаш ўқитувчилар учун касбий тренинглар, семинар ва ёзги курслар, энг яхши ўқитувчи унвони учун танловлар, сиёсий ва давлат арбоблари билан қизиқарли учрашувлар ўтказади, ўқув ва методик қўлланмалар ишлаб чиқади ва кейинчалик уларни Интернет тармоғига жойлаштиради. Энг асосийси, йирик ҳалқаро жамоат ташкилотлари ривожланаётган давлатларда ҳам ўқитувчиларнинг касбий ривожланишига, ўсишига қўмаклашмоқда. Масалан, 1993 йили OLSET ҳалқаро ташкилоти томонидан Жанубий Африка Республикасида “Ҳаракатдаги инглиз тили” лойиҳаси бошланган бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири – иккинчи давлат тили сифатида инглиз тили ўқитувчиларини касбий ривожлантириш, Хитойда эса ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда (сунъий йўлдош алоқаси воситаларидан фойдалана бошлаган узоқ ҳудудлардаги ўқитувчилар учун) ўқитувчилар малакасини оширишнинг масофадан ўқитиши лойиҳаси амалга оширилган [129].

Педагог кадрларнинг умуммаданий компетенция моделини такомиллаштириш жараёнида амал қиласидиган принцип, параметр ва индикаторларни аниқлашда ҳам айнан давлат ва жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондирадиган ижтимоий институт бўлган ХТХҚТМОҲМ олдига қўйилган вазифа: ҳар бир ўқитувчининг иқтидори, педагогик маҳорати, илмий салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тарихий-маънавий ва маданий қадриятлар, халқимизнинг анъаналари, фан, техника, технология соҳасида эришилган замонавий ютуқлар асос қилиб олинди.

Жаҳонда ва мамлакатимизда амалга оширилган тадқиқотлар, илмий изланишлар таҳлили халқ таълими тизими педагог кадрларининг умуммаданий компетенция моделини такомиллаштириш принциплари, параметр ва индикаторларини ишлаб чиқилиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда педагог кадрларнинг умуммаданий компетенция моделини такомиллаштириш принциплари, параметр ва индикаторларини аниқлашнинг долзарблигини эътиборга олган ҳолда умуммаданий компетенция моделининг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқиш назарий-эмперик жиҳатдан асосланди. Педагог кадрларнинг умуммаданий компетенцияларини ривожлантиришнинг **биринчи принципи** “шахсга йўналтирилган гуманистик тамойил” сифатида белгиланди. Педагог кадрларнинг умуммаданий компетенцияларини ривожлантириш – ижтимоий буюртма ҳисобланган ДТ га мос равища ўқув модулларида бериладиган билим, қўнирма, малака ва компетенцияларни педагогик хизматлар таъсири натижасида ўқитувчиларда шаклланганлик даражаси уларнинг ютуқлари сифатида тушунилади. Педагог кадрларнинг умуммаданий компетенцияларини ривожлантириш принципининг параметр ва индикаторлари педагогик квалиметрия асосида баҳоланади.

Педагог кадрларнинг умуммаданий компетенцияларини ривожлантиришнинг иккинчи принципи “Маънавий-маърифий тадбирларнинг натижавийлиги” сифатида белгиланди.

Педагог кадрларнинг умуммаданий компетенциялари ривожланиши **тизимида** оиласинг иштироки ҳар жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Умумий ўрта таълим муассасаларида “Оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамда кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиги” принципининг биринчи параметри “Ота-оналарнинг болалар муаммоларини ҳал этишдаги иштироки” бўлиб, унинг 1-индикатори “Таълим муассасасида ўқув жараёнига ота-оналарнинг иштироки таъминланганлиги” ҳисобланади.

Кейинги параметр “Таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириша жамоатчиликнинг ўрни” сифатида белгиланиб, унинг биринчи индикатори “Маҳаллада яшаётган ижтимоий химояга муҳтож болалар рўйхати тузилганлиги” ҳисобланади.

Иккинчи индикатор: “Таълим муассасасида маҳаллий ҳокимликлар, ички ишлар, солиқ хизмати, соғлиқни сақлаш, фавқулотда вазиятларни олдини олиш ташкилотлари ходимлари томонидан назарий ҳамда амалий машғулотлар ташкил этилганлиги” ҳисобланиб, унинг кўрсатгичлари сифатида: таълим муассасалари билан ҳамкорликда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт мусобақалари, спорт тўгараклари ташкил этилганлиги, спорт соҳасида муваффақиятга эришаётган ёшлар моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилганлиги, улар фаолиятининг тарғибот қилинганлиги; ноқобил оиласада таълим-тарбия олаётган болалар назорати учун бириктирилган жамоатчилар томонидан улардан доимий хабар олиб турилганлиги; мактабга сурункали келмайдиган ўқувчи-ёшларни таълим муассасалари ва маҳалла фаоллари ҳамда ҳамкорлик кенгаши ёрдамида ўқишига жалб этилганлиги; ўқувчиларнинг ўzlари қизиқсан фанларидан қўшимча машғулотларга ихтиёрий тарзда иштирок этганликлари баҳоланади.

Учинчи параметр “Ўқувчиларнинг таълим сифатини таъминлашдаги тенг ҳукуқли иштироки” бўлиб, биринчи индикатор: “Мактабда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш механизми яратилганлиги” этиб белгиланди. Мазкур индикаторнинг кўрсатгичлари таълим муассасасида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг фаолият кўрсатиш самарадорлиги; “Камалак” болалар ташкилоти фаолияти самарадорлиги; таълим муассасасида фаол ўқувчилар кенгаши ташкил этилганлиги; мактабнинг йиллик режалари, маънавий тадбирларини режалаштиришда ўқувчиларнинг иштироки; таълим муассасасидаги таълим-тарбия сифати тўғрисида ўқувчиларнинг фикрлари ва таклифлари ўрганилганлиги ҳамда шу асосида қарорлар қабул қилинганлиги; умумтаълим фанларидан дарс жараёнини ташкил этиш бўйича ўқувчиларнинг фикрлари ва таклифлари ўрганилганлиги ҳамда шу асосида қарорлар қабул қилинганлиги; таълим муассасасида қўшимча машғулотлар ва тўгарак машғулотлари ташкил этилиши бўйича ўқувчиларнинг фикрлари ва таклифлари ўрганилганлиги ҳамда шу асосида қарорлар қабул қилинганлиги;

Педагог кадрларнинг умуммаданий компетенциялари ривожланиши **тизимида** оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепциясимақсад ва вазифаларининг амалиётга жорий этилишига боғлик.

Мазкур ҳамкорлик концепциясининг энг асосий мақсади – ҳар бир боланинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, ўз бахти учун замин яратишига, эл-юрт олдидаги масъулиятини сеза оладиган, инсонпарвар бўлишига қаратилган.

### **Педагог кадрларнинг умуммаданий компетенциясини ривожлантиришга мўлжалланган такомиллаштирилганмоделни педагогик амалиётга жорий этиш**

Тадқиқот доирасида педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлигини ривожлантириш модели узлуксиз инновацион-касбий ривожланишга йўналтирилган ривожланган мамлакатлар моделлари - таълим эҳтиёжларига йўналтирилган Европа, шахсга йўналтирилган Жанубий Осиё ва компетенциялар сифатини назорат қилиш АҚШ моделлари асосида ташкил килинди ва апробациядан ўтказилди.

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида педагог кадрлар умуммаданий компетентлигини ривожлантиришнинг андрагогик таълим талабларига мувофиқлаштирилган ташкилий-бошқарув механизmlарини такомиллаштириш тузилмаси, мазмуни ҳамда амалиётга жорий этишнинг амалий-технологик тизими ишлаб чиқилди.

Умуммаданий компетентликни ривожлантиришнинг инновацион-интерактив технологияларга асосланган вариатив ахборот-методик таъминоти ишлаб чиқилди. Бунда тадқиқот доирасида олиб борган изланиш натижалари педагог кадрлар умуммаданий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида касбий тайёргарлик мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари, компетенцияларга асосланган таълим дастурлари мазмуни асосидаги касбий ривожлантириш тизими билан амалий таълим муҳити ўртасидаги ўзаро таъсирлашув механизмларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Халқ таълими ходимларининг умуммаданий компетентлигини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган моделида ифода этилган ҳар бир таркиблаштирилган компонент ўқитувчи вазифаларининг кўпкіррали ва сермазмунлигини кўрсатади. Бунда умуммаданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилашда компетенциялар моделини ишлаб чиқиши соҳа бўйича ўқитувчининг жамиятда олиб бораётган фаолияти ва шахсий ҳаётидаги ишларини уйғунлаштириш учун маҳсус тайёрланган мутахассислар фаолиятини ҳам инобатга олиш тақоза этилади. Бу ўринда соҳа мутахассислари “Life couch”лар хизматидан фойдаланиш ўринли.

Лайф коуч (инглиз тилида: life- ҳаёт, couching-режалаштириш) таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг фаолиятини тўғри режалаштирадиган мутахассис. Маълумки, ўқитувчи педагогик жараённи режалаштирувчиси, бошқарувчиси ҳамда йўналтирувчиси ҳисобланади. Унинг касбий, шахсий фаолиятини уйғунликда олиб бориши муҳим аҳамият касб этиб, бу унинг умуммаданий компетентлилигидан дарак беради.

Такомиллаштирилган моделдаги умуммаданий, ижтимоий-таълими установкалар тизимини ташхислаш ва баҳолаш компоненти замонавий ўқитувчиларни бир неча тоифага бўлиб, ўрганиш асосида олиб борилиши назарда тутилди: адаптив муҳитда фаолият юритувчи ўқитувчи, яъни олий таълим муассасасини битирган педагогик жараёнда мослашув вазиятидаги кадр; ўкувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларини ўрганиш натижасида таълим-тарбия жараёни стратегиясини ишлаб чиқувчи ва жараённи бошқарувчи менежер-ўқитувчи; модератор-ўқитувчи таълим жараёнини мотивацияловчи, ўкувчиларнинг тажрибасига асосланган ҳолда билим берувчи, ўзлаштираётган ўқув материалининг мавҳум ўринларини аниқлаштиришда ёрдам кўрсатувчи, маълум малака ва кўнкималарни ривожлантирувчи. Тадқиқот доирасида педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлигини ривожлантиришда андрагогик таълим талаблари асосида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг инновацион шаклларини белгилаш, таълим дастурларини эҳтиёжларга мослашувчанлигини таъминлаш, Назарий таҳлиллар, онлайн сўровлар ва эмпирик ўрганишлар асосида шакллантирилган хulosалар ҳамда қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйиладиган давлат талабларига асосланган ҳолда тадқиқот жараённида юқорида қайд этилган табақалаштирилган ёндашув асосида халы таълими тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини ташкил этишнинг ташкилий-дидактик, маънавий-маърифий, методик тизими такомиллаштирилди.

Тадқиқот доирасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларига анъанавий ва электрон таълим имкониятларининг уйғунлашуви асосидаги аралаш ўқитиш (blended learning) моделини жорий этишнинг ташкилий, педагогик ва технологик механизмлари аниқлаштирилди ва унинг асосида умумтизимий ресурслар мажмуаси, онлайн (LMS) ва оффлайн режимлар асосидаги интерактив-электрон коммуникация, педагогик консилиумлар хизмати, онлайн назоратлар ва ўзини ўзи баҳолаш (self assessment)дан иборат ахборот-методик таъминоти вақт-контент-натижа бирлигига асосланган ҳолда ишлаб чиқишига қўйиладиган дидактик талаблар такомиллаштирилди. Мазкур ахборот-методик таъминотнинг ҳар бир элементи вариатив ва динамик характерга эга бўлиб, уларни яратиш ташкилий жиҳатдан ўз ичига турли даражадаги контенгентни бирлаштириш, ташкил этиш, педагогик, интерфейс дизайнни, эстетик ҳамда квалиметрик жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилди.

Тадқиқот доирасида аудитория машғулотлари жараёнида педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлигини ривожлантиришга доир кейс метод, лойиҳавий таълим, маҳорат дарслари, рефлексив тренинглар, бинар машғулотлар, Е-портфолио, ижодий топшириклар каби инновацион-интерактив технологияларга асосланган вариатив ахборот-методик таъминот ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Ушбу ахборот-методик таъминотда халқ таълими тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ўқитувчи ўзининг умуммаданий, касбий, шахсий ва маҳсус компетенцияларга эгалигини онлайн тарзида аниқлаши мумкин.

Амалга оширилган илмий-педагогик таҳлил ва эмпирик тадқиқот натижасида умуммаданий компетентликни ривожлантиришнинг қуйидаги педагогик шарт-шароитлари аниқланди: а) умуммаданий компетентликни ривожлантириш жараёнини педагогик маданият эквилибрацияси асосида лойиҳалаштириш; б) педагог кадрларнинг

умуммаданий компетентлигини аниқлаш ва такомиллаштириш стратегияларини белгилашга йўналтирилган диагностик тизимини такомиллаштириш; в) умуммаданий компетентликнинг мавжуд ривожланиш даражасини малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш ҳамда натижалар интерпретацияси асосида индивидуал касбий эҳтиёжларни аниқлаштириш; г) функционал, тизимли-тузилмавий ёндашувлар ва илғор хорижий тажрибаларнинг ўзаро интеграциясига асосланган таълим мазмунини такомиллаштириш; д) таълим хизматларини диверсификациялаш ҳамда соҳага йўналтирилган инновациялар трансферини рағбатлантириш; е) мотивацион ва коррекцион ёндашувлар асосида касбий компетентликни ривожлантиришга хизмат қилувчи дастурлар ва ресурслар сифатини ошириш, уларнинг мослашувчанлигига алоҳида эътибор қаратиш.

Тадқиқотлар натижасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўкув жараёнини тасдиқланган малака талаблари, ўкув режа ва дастурларига мувофиқ ташкил этилишини таъминлаш; ўкув жараёнининг норматив-хукуқий ва дидактик таъминотини (малака талаблари, ўкув режа ва дастурлар, тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга қаратилган топшириклар, битирув ишлари, аттестация натижалари)ни тизимли таҳлил этиб бориш; курсларнинг ўкув жараёни ва тингловчиларнинг ўкув фаолияти натижаларининг тизимли мониторингини юритишига йўналтирилган ўқитиши сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш механизмлари таклиф этилди.

#### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Тошкент:Ўзбекистон,- 2016.
2. Джураев Р.Х. Этапы совершенствования системы образования в Узбекистане.- Ташкент:Зиё, 186 с.
3. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Управление качеством образования. Монография. -Ташкент:Узбекистан, 2004.-344с.
4. Тургунов С.Т., Максудова Л.А. Управление педагогическими процессами и технологиями. – Тошкент: Sano-standart, 2012. - 48 б.
5. Шамова Т.И. Управление образовательными системами Текст. / Т.И. Шамова, Т.М. Давыденко, Г.Н. Шибанова. М.: Академия, 2002.-384 с.
6. Boud, D. [2003], “The move to self-assessment: liberation or a new mechanism for oppression”, Vouth Studies Australia, 11 (2), 56-59.
7. British Standards Institute (2002), BS EN ISO 11623: Transportable gas cylinders: Periodic inspection and testing of composite gas cylinders, Author, London, UK.
8. Greney, V. and Kellaghan,T. . [2003], Assessing National Achievement Levels in Education, The World Bank, Washington, USA.
9. Morgan, J. [2006], “Rethinking Education: Towards a good common good. Published by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization”, QUILS5 Qualite in Services Conference, Universiti of Paris, Paris, 79 – 81.